Лойиха-смета хужжатларини бажаришга доир

# № 16 ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

**2022 йил « 7 » июл** **Андижон шахри.**

Келгуси уринларда *«Буюртмачи»* - деб юритилувчи __**Андижон Пахта Уругчилиги МЧЖ** номидан, харакатдаги Низом асосида харакат килувчи директори ____________________ бир томондан, хамда келгуси уринларда *«Пудратчи»* - деб юритилувчи **«BUNYODKOR YUKSAK LOYIHA» МЧЖ** корхонаси номидан Устав (ёки Низом)асосида харакат килувчи, корхона директори Абдурахмонов.И.К , иккинчи томондан, **Андижон Пахта Уругчилиги МЧЖ** да амалга оширилган ишлар учун лойиха смета хужжатларини **тайёрлашга** пудрат шартномасини тузадилар:

## 1. Шартноманинг мазмуни:

1.1. *«Пудратчи»:*_____________________________________________ **да амалга оширилган ишлар учун смета хужжатларини тайёрлаб бериш** мажбуриятини, *«Буюртмачи»* эса уз вактида кабул килиб, ишлар хакини тулаш мажбуриятини оладилар.

1.2. *«Пудратчи», «Буюртмачи»* томонидан такдим этилган меъморий режалаштириш (АПЗ), лойихалаш топширикларида курсатиб утилган ишларни «Корхона, бино ва иншоатлар курилишига лойиха-смета хужжатларини таркиби, ишлаб чикиш тартиби ва тасдиклаш» хакидаги ШНК 1.03.01-03 коида ва кулланмалари ва мазкур шартноманинг хужжатларига асосланиб бажаради ва тугаллайди.

1.3. Бажариладиган ишларга илмий, техник, иктисодий ва бошка талаблар, техник шартларда назарда тутилади ва мазкур шартноманинг ажралмас кисми хисобланади.

1.4. Ишларнинг алохида боскичларининг руйхати ва бажариладиган муддати календар режа асосида аникланади ва мазкур шартноманинг ажралмас кисми хисобланади.

1.5. *«Пудратчи», «Буюртмачи»*нинг рухсатини кутмасдан, кушимча ички хужалик шартномасини (Шартномада белгиланмаган, лекин мазкур шартномани бажаришда амалга оширилиши лозим булган махсус тадкикот ишларига) тузишга хаклидир. Кушимча шартномаларни тузиш *«Пудратчи»* зиммасига юклатилади.

1.6. Хужалик шартномасининг бажаришдан бош тортиш ва шартларини бир томонлама узгартиришга рухсат этилмайди.

## 2. Томонларнинг мажбуриятлари:

2.1. *«Пудратчи» нинг* мажбуриятлари:

- *«Буюртмачи»* томонидан объектни молиялаштириш масаласи ечилгандан сунг ишни тулик топшириш; муддати 1 ойда
- *«Буюртмачи»* томонидан берилган техник топширик ва бошка бошлангич хужжатлар асосида
- ишларни бажариш;
- *«Буюртмачи»* билан бажариладиган ишларни (боскичлари)нинг натижаларини келишиш;
- мазкур шартнома буйича бажариладиган ишлар хакида *«Буюртмачи»*га ахборот бериб боради.
- мазкур шартнома асосида бажарилган ишларни *«Буюртмачи»*нинг рухсатисиз учинчи шахсга беришга хакли эмас.

2.2. *«Буюртмачи»*нинг мажбуриятлари:

- мазкур шартномада назарда тутилган микдорда ва шартларда белгиланган нархни уз вактида тулаш;
- *«Пудратчи»* томонидан бажарилиши лозим булган ишларни, мазкур шартномада назарда тутилган шартларда бажарилиши назорат килиш;
- *«Пудратчи»,* билан бажарилган ишлар (боскичлар)нинг натижаларини келишиш;
- Шартнома буйича бажарилган ишларни, уларнинг мазмунини *«Пудратчи»*нинг розилигисиз учинчи шахсга бермаслик.

## 3. Шартнома буйича ишларнинг нархи:

3.1. Мазкур шартноманинг бахоси ККС билан: **44 450 000 (қирк тўрт миллион тўрт юз эллик минг)** сўмни ташкил этади

.3,2*«Буюртмачи», «Пудратчи»га* олдиндан мазкур шартноманинг умумий кийматини **30 фоиз 13 335 000 (ўн уч миллион уч юз ўттиз беш минг )** сўм микдорида бунак(аванс) тулаш мажбуриятини олади. Колган **70 фоизи 31 115 000 (ўттиз бир миллион бир юз ўн беш )** минг сўмни иш бажарилгандан сўнг тўланади.

3.3. *«Буюртмачи»*га мазкур шартнома имзолангандан сунг беш банк куни давомида *«Пудратчи»*нинг хисоб ракамига 3.2-бандда курсатилган пул маблагини мазкур шартнома имзолангандан сунг беш кун ичида утказиб беради. Колган маблагни тасдикланган режа асосида боскичма боскич тулаб беради.

3.4. *«Буюртмачи»,* бажарилган ишлар хакидаги далолатнома такдим килинган кундан бошлаб, беш банк-иш куни мобайнида туловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

3.5. Мазкур шартнома буйича «Пудратчи» томонидан амалга ошириладиган ишлар бахоси ва муддати узил кесил хисобланади ва кайта куриб чикилмайди.

BUNYODKOR YUKSAK LOYIHA

Сканировано с CamScanner

## 4. Ишларни топшириш ва кабул килиш тартиби:

4.1. Бажариладиган ишларни бахолаш ва кабул килиб олиш техник топширик талаблари асосида бахоланади.

4.2. *«Пудратчи»* томонидан топширилиши лозим булган хужжатлар руйхати техник топширикда аникланади.

4.3 *«Пудратчи»* ишларни бажариб булгач, *«Буюртмачи»га* техник топширикда назарда тутилган холда, кабул - килиш далолатномаси билан бирга уч нусхада хужжатлар тупламини таклим этади.

4.4. *«Буюртмачи»*, мазкур шартноманинг 4.2 -бандида курсатилгандек топшириш-кабул килиш далолатномасини хисобот хужжатлари бажарилган ишларни 30 кун мобайнида кабул килиш мажбуриятини олади ва *«Пудратчи»га* имзоланган, ёки асосли эътироз билдирилган топшириш - кабул - килиш далолатномасини жунатади. Топшириш - кабул-килиш далолатномаси *«Буюртмачи»* томонидан имзоланмаса, бажарилган ишларни, хизматларни кабул килишда асосли эътироз билдирилмаган холларда *«Пудратчи»*, юкорида курсатилган муддатда, банкка бир томонлама бажарган ишлар эвазига хак тулаш учун талаб куйишга хакли.

4.5. Бажарилган ишларни топшириш - кабул-килиш давомида *«Буюртмачи»нинг* асосли эътирози булса, камчиликларнинг руйхати ва уларни бартараф этишнинг аник муддатини белгиловчи икки томонлама далолатнома тузилади.

4.6. Агар ишларни бажариш жараёнида кейинчалик уни давом эттириш максадга мувофик эмаслиги маълум булиб колса, томонлар беш кун мобайнида бир-бирларини ишлар тухтатилганлиги хакида хабардор килишлари шарт ва ун кун мобайнида ишларни давом эттириш учун максадга мувофик булган йуналишларини ойдинлаштирувчи масалаларни куриб чикишлари керак. Ишлар тухтатилган холларда, томонлар учун Узбекистон Республикаси конунчилигида назарда тутилган мажбуриятлар юкланади.

4.7. Узаро хисоб-китоблар килишнинг муддати келганлиги томонларнинг бири мазкур шартномадаги ишларни тухтатиш хакидаги ёзма хабарнома берган санадан хисобланади.

## 5. Томонларнинг жавобгарлиги.

5.1. *«Буюртмачи»* уз вактида олдин туланиши лозим булган туловларни туламаган холларда, ишларни якунлаш муддати тулов кечиктирилган муддатга узайтирилади.

5.2. Тулов талабномаси акцепти (кабул килиш)ни асоссиз равишда тула ёки кисман рад этганлик шунингдек хисоб-китобларнинг бошка шакллардаги ишларга хак тулашдан бош тортганлиги (банк муассасасига тулов топширикномасини таклим этмаслик, чек бермаслик, аккредитив бермаслик ва хакозо) учун, *«Буюртмачи»* туловдан бош тортган ёки рад этган суммасининг 0,5 % хажмида *«Пудратчи»га* жарима тулайди.

5.3. *«Буюртмачи»* олган мажбуриятини бузмаслик учун, мазкур шартноманинг 4.4-моддасига асосан, у *«Пудратчи»*га утказиб юборилган хар бир кун учун, мажбуриятнинг бажарилмаган кисмининг 0,5 фоиз хажмида пеня тулайди. Аммо бунда, пенянинг умумий микдори бажарилмаган иш ёки курсатилмаган хизматнинг 50 фоиздан ортиб кетмаслиги керак.

5.4. *«Пудратчи»*, ишларни бажаришда, хизмат курсатишда олган мажбуриятларини бузганлигини учун, у *«Буюртмачи»га* утказиб юборилган хар бир кун учун бажарилмаган мажбуриятнинг 0,5 фоиз хажмида пеня тулайди. Аммо бунда, пенянинг умумий суммаси, бажарилмаган иш ёки курсатилмаган хизматнинг 50 фоиздан ортиб кетмаслиги керак. Пеня тулаш шартнома мажбуриятини бузган томон, кечиктириб бажарган иши ёки курсатган хизмати окибатида келтирилган зарарни коплашдан озод этмайди.

5.5. Бажарилган ишлар(боскичлар)да камчилик ва нуксонлар пайдо булганда *«Пудратчи»* уларни бартараф этиш мажбуриятини олади.

5.6. Агар, *«Пудратчи»* утган боскич учун хисобот бермаса, кейинги боскич учун молиялаштириш ишлари тухтатилади.

5.7. Агар, топширилган ишлар енгиб булмайдиган холатлар (Форс мажор) натижасида юзага келса, томонлар уз харакатларида Узбекистон Республикаси конунчилик меъёрлари асосида иш куради.

5.8. Агар, бажарилган ишлар, курсатилаган хизматлар шартнома шартларига мос келмаса, *«Буюртмачи»* бажарилган ишлардан бош тортишга хакли. *«Пудратчи»*дан шартнома шартларига мос келмайдиган иш кийматининг беш фоизи микдорида жарима ундиришга, агар бажарилган ишларга, курсатилган хизматларга хак тулаб куйилган булса, белгиланган тартибда туланган суммани кайтаришни талаб килишга хакли. Жарима жадвалининг тулов талабномаси банк муассасига сифати лозим даражада булмаган ишлар хакида далолатнома тузилган вактдан бошлаб бир ой мобайнида таклим килиниши лозим. Жарима жадвалининг тулов талабномаси белгиланган бир ойлик муддатдан кейин таклим этилса, жаримани ундириш белгиланган тартибда амалга оширилади.

5.9. Шартномани ижро этмаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун, жавобгарлик агар, шартномада узгача кузда тутилмаган булса Узбекистон Республикаси «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятини шартномавий-хукукий базаси тугрисида»ги конуннинг 25-32 моддаларига асосан жавобгарлик чоралари кулланилади.

## 6. Форс-мажор холати.

6.1. Агар, томонлар мажбуриятларининг кисман ёки тула ижро этилмай колиши табиий ходисалар, харбий харакатлар ва бошка бартараф этилиб булмайдиган бошка кучлар сабабли содир булган булса, хамда бу холат мазкур шартнома ижросига бевосита таъсир курсатган булса, томонлар мазкур шартнома буйича мажбуриятларининг кисман ёки тула ижро этилмай колгани учун жавобгарликдан озод буладилар. Мазкур шартнома буйича мажбуриятларнинг ижро муддати бартараф этиб булмайдиган вазият, шунингдек шу вазият келтириб чикарган окибат давом этган вактга мос равишда оркага сурилади.

Сканировано с CamScanner

6.2. Агар бартараф этилиб булмайдиган куч вазияти ёки окибатлари уч ойдан ортик вактга чузиладиган булса, *«Пудратчи»* ва *«Буюртмачи»* ишни давом эттириш ёки номаълум вактга тухтатиш чора-тадбирлар куришни мухокама киладилар. Агар томонлар икки ой мобайнида бир тухтамга кела олмасалар, томонларнинг хар кайсиси шартномани бекор килинишини талаб килишга хаклидир.

6.3. *«Буюртмачи»* тулов шартларини уз вактида бажармаслиги *«Пудратчи»* учун «Форс-мажор» холатига тенг хисобланади.

## 7. Кушимча шартлар:

7.1. *«Буюртмачи»* 1.1-бандда курсатилган максадга мувофик, *«Пудратчи»* томонидан таклим этилган бажарилган иш натижаларидан фойдаланишга хакли эмас, *«Пудратчи»* эса олинган иш натижаларидан узининг манфаатлари учун фойдаланиши таъкикланади.

7.2. Мазкур шартномада кузда тутилмаган муносабатлар Узбекистон Республикасининг «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятини шартномавий-хукукий базаси тугрисида»ги конунига, хамда Узбекистон Республикаси фукаролик кодексига асосан белгиланади.

## 8. Шартноманинг амал килиш муддати ва шартлари:

8.1. Мазкур шартнома, томонлар имзо чеккан кундан кучга киради ва унинг шартлари тула бажарилгунга кадар амалда булади.

8.2.Мазкур шартноманинг амал килиш муддати тугаганидан сунг хам томонлар шартнома шартларини бузганликлари жавобгарлигидан озод этилмайди.

8.3. Мазкур шартномани амал килиш муддати 2022 йил 31 декабргача

8.4. Шартнома 2 нусхада тузилди.

## 9. Низоларни хал этиш тартиби:

9.1. Шартномани тузиш, ижро этиш, узгартириш ва бекор килиш, шунингдек келтирилган зарарни коплаш чогида томонлар уртасида вужудга келиши мумкин булган низо ва келишмовчиликлар Узбекистон Республикасининг конунчилигида белгиланган тартибда хужалик суди томонидан ёки томонларнинг келишувига биноан, хакамлар суди томонидан хал этилади.

## 10. Томонларнинг реквизитлари:

| «ПУДРАТЧИ» | «БУЮРТМАЧИ» |
|---|---|
| «BUNYODKOR YUKSAK LOYIHA » МЧЖ | |
| Х-Р 20 208 000 600 869 271 001 | «ANDIJON PAXTA URUG'CHILIGI» MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYATI |
| ИНН;305435729 МФО:00082 | ANDIJON TUMANI CHO'MBOG'ICH M.F.Y. |
| Кишлок курилиш банк Андижон филиали | H/R: 20208000505006013001 |
| Манзил Андижон ул А Фитрат кучаси 241-уй | ATB «AGROBANKBANK» ANDIJON FILIALI |
| | MFO: 00062 STIR: 302425330 |
| | |
| Директори: Абдурахмонов И.К | Директори: |
| М.У. | М.У. |

Сканировано с CamScanner